

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Етказиб берувчи” деб юритилувчи “ООО А Кхакимов” МЧЖ номидан раҳбар А.Хакимов бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Буюртмачи” деб юритилувчи Улугнор туман хокимилиги номидан раҳбари А.Хамрақулов иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар:

№	Муассасалар номи	Хизмат	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма
1	Туман хокимилиги	2022 йил 22-июнь Ёшлар фестивали тадбири учун сахна безаклари меҳмонлар учун маҳсус жой ўзбегим шарлари ва атрофни ёритувчи чироқлар билан ёритиш.	Услуга	1	32 000 000	32 000 000
	ЖАМИ					32 000 000

#### 1. Шартнома предмети

1.1 « Етказиб берувчи » мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи»га ўзаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги мазкур шартномада кўрсатилган хизматларни кўрсатиш, «Буюртмачи» эса етказиб берилган хизматларни қабул килиб олиб, пул ўтказиш йўли орқали хисоб-китоб килиш мажбуриятини олади.

#### 2. Шартнома киймати ва хисоб-китоб тартиби

2.1 Мазкур шартноманинг баҳоси **32 000 000 (Ўттиз икки миллион )** сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган маҳсулотлар кўйидагича;

2.2 Хисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3 «Буюртмачи» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30%,ни олдиндан аванс тарикасида «Етказиб берувчи» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4 Колган 70% ни «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг хисоб-варак фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.5 «Буюртмачи» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Етказиб берувчи» 3 кун давомида мазкур шартномада кўрсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни «Буюртмачи» га етказиб беради.

2.6 Маҳсулотларни етказиб бериш харажати «Етказиб берувчи» хисобидан копланади.

#### 3. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

3.1 «Буюртмачи»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

«Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага асосан тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб килиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи »дан талаб килиш;

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул килиш;

3.2 « Етказиб берувчи » қўйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб килинишини «Буюртмачи»дан талаб килиш.

#### 4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги-Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган такдирда, бу тараф: бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўз.Рес.29.08.1998 й №670-I-сон Конунида, ўзга конун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар конун хужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномани бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун Ўз.Рес.29.08.1998 й №670-I-сон Конунинг 25-32-моддаларидан назарда тутилган жавобгарлик чоралари кўлланилади

4.2 Товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юборгандик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган холларда товар Етказиб берувчи, буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.3 Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти конун хужжатларида ёки шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи товарларни қабул килиши ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб кўйилган

бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим дараж бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

**4.4** Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик- Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда бкюртмачи: товарларни бутлаб беришини талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи буортмачининг талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларни келишувига ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичida товарларни бутлаб бериши шарт; бундан буён товарлар бутлаб берилгунга кадар уларнинг ҳакини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳаки тўлаб кўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган кисмлар кийматини кўшган холда, Етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни Етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, буортмачи бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга хамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

**4.5** Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек Етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буортмачи Бажарувчига танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз микдорида жарима тўлади.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, Етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

**4.6** Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳакини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик- товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор маҳсулот Етказиб берувчи га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлади. Етказиб берилган товарлар ҳакини ўз вақтида тўламаганлик учун буортмачи Етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пени тўлади.

### 5. Низоларни ҳал этиш тартиби

**5.1** Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартериш ва бекор килиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни коплан тўғрисидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқлади.

### 6. Форс — мажор

**6.1** Томонларга бофлик бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошкни, шу каби бошқа ҳолатларда хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг карорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

**6.2** Юкоридаги ҳолатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

### 7. Бошқа шартлар

**7.1** Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор килиниши мумкин.

**7.2** Барча ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма равинида расмийлаштирилган хамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда хисобга олинади.

**7.3** Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» да, иккинчи нусхаси «Буортмачи»да сакланади ва иккала нусхаси ҳам хукукий жиҳатдан тенг кучли хисобланади.

### 8. Шартнома муддати

**8.1** Шартнома “Буортмачи” ва “Етказиб берувчи” томонидан имзоланиб, тегишли Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “31” декабрга қадар амал қиласи.

### 9. Томонларнинг хукукий манзили ва банк реквизитлари

«Етказиб берувчи»

“ООО А Хакимов” МЧЖ

Манзил: Андижон вилояти Андижон шахар.

ИНН: 307788564

х/р: 2020 8000 3052 8647 2001

Банк: “Агробанк” АТБ Улуғнор филиали

МФО: 00055

Рахбар:

А.Хакимов



ЮРИСТ:

«Буортмачи»

Улуғнор туман хокимлиги

Манзил: А.Навоий кўчаси 1-уй

Ш.х.в: 305022860032177109601018001

ИНН : 200273921 ОКОНХ: 97600

Ўзб. Респ. Молия ваз. Фазначилиги

Газна х/р:23402000300100001010

Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014 ИНН:201122919

Рахбар:

А.Хамроқулов



2022 йил 08 август кунги № E-87  
сонли шартномага илова

№	Муассасалар номи	Хизмат	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма
1	<b>Туман хокимлиги</b>	2022 йил 22-июнь Ёшлар фестивали тадбири учун сахна безаклари меҳмонлар учун маҳсус жой ўзбегим шарлари ва атрофни ёритувчи чироқлар билан ёритиш.	Услуга	1	32 000 000	32 000 000
	<b>ЖАМИ</b>					<b>32 000 000</b>

Етказиб берувчи:

“ООО А.Хакимов” МЧЖ



А.Хакимов

Бюртмачи:

Улутнор туман хокимлиги



А.Хамракулов